ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 821.512.133

XIX АСР СЎНГГИ ЧОРАГИ ВА XX АСР БОШЛАРИ АНДИЖОН АДАБИЙ МУҲИТИ МАНБАЛАРИ

И.А.Мадгазиев

Мақолада XIX аср сўнгги чораги ва XX бошларидаги Андижон адабий муҳити манбалари тадқиқ этилган. Мазкур давр намояндалари ҳаёти ва ижодига оид қўлёзма, тошбосма ва жорий нашр манбалари бўйича муфассал маълумот берилган. Бу манбаларнинг ўзига хос хусусиятлари, фарқли жиҳатлари, илмий аҳамияти ва қиймати хусусида фикр юритилган. Жорий нашр манбаларини қўлёзма манбалар билан ўзаро қиёсий ўрганилиши натижасида ижодкорлар илмий ва ижодий биографиясига оид кўплаб янги маълумотлар аниқланган.

Калит сўзлар: *адабий муҳит, адабий жараён, таржимаи ҳол, қўлёзма, баёз, тазкира, дастхат, манба, адабий мерос.*

В статье исследуются источники Андижанской литературной среды последней четверти XIX – начала XX в. Подробная информация о жизни и творчестве представителей этого периода содержится в рукописях, литографиях и источниках текущих публикаций. Обсуждаются особенности, различия, научная значимость и ценность этих источников. Сравнительное изучение актуальных источников публикаций с рукописями позволило выявить много новой информации о научной и творческой биографии авторов.

Ключевые слова: *литературная среда, литературный процесс, биография, рукопись, баяз, тазкира, почерк, источник, литературное наследие.*

Ҳар бир даврнинг турли шаҳар ёхуд музофот доирасида яшаб қалам тебратувчи ижод аҳли ўзаро ижодий ҳамкорлик ва фаол адабий алоқалар орқали шу ҳудудда шаклланган ўзига хос анъаналар негизида муайян адабий муҳитни ташкил этадилар. Бундай адабий муҳитлар (Қўқон, Тошкент, Самарқанд ва ҳ.) умуммиллий адабиётнинг ажралмас қисми, уни бойитиб, доимий равишда ҳавосини янгиловчи ва қувват бағишловчи манба ҳамдир. Шу боис миллий адабиётимиз тарихий тараққиёти омиллари, унда мавжуд анъана ва услублар, ижодий ютуқ ҳамда янгиланишларнинг туб моҳиятини англаш учун уларнинг манбаларини чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ушбу масалага адабиётшунослигимиз кун тартибидаги муҳим вазифалардан деб қарала бошланди ва бу йўналишда қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Шунга қарамай, масала ҳозирги кунда ҳам зарурат ва аҳамиятига кўра жуда долзарб ҳисобланади.

Ўзбек адабиёти тарихининг муҳим тармоқларидан бири Андижон адабий муҳитидир. Шаклланиши бир неча асрларга бориб тақалувчи бу муҳит намояндалари ҳақида Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (Мавлоно Юсуф Бадиий, Мавлоно Сафоий) [16. Б. 59–61], Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» (Мавлоно Юсуф Бадиий, Мир Сарбараҳна, Хожа Юсуф Андижоний) [6. Б. 158–163], Хожа Ҳасан Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» (Хожа Калонбек Андижоний, Фозил Андижоний, Насибий Андижоний, Муҳаммад Шариф Садр Андижоний) [17. Б. 102–116, 264], Мутрибий Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» (Доий Андижоний, Лойимий Андижоний, Фурқатий Андижоний, Хожа Калонбек Андижоний) ва бошқа кўплаб манбаларда қимматли маълумотлар мавжуд. Ушбу манбалар ва уларда тилга олинган андижонлик ижод аҳли хусусида академик А.Қаюмов [19. Б. 3–19] ҳамда профессор Ҳ.Болтабоев [7. Б. 52–58] тадқиқотлари эътиборга молик.

Афсуски, юқорида номлари қайд этилган ижодкорларнинг асарлари бизгача деярли етиб келмаганлиги, саналган манбаларда ҳам улар ҳақида жуда қисқа маълумот ва

асарларидан айрим ўрнакларгина учраши бу борада илмий изланишлар кўламининг маълум маънода чекланишига сабаб бўлади. Шундай бўлса-да, кейинги даврлар адабий муҳитини ўзида акс эттирувчи бой манбалар ва унга мансуб ижодкорларнинг салмоқли мероси сақланиб қолган. Бу ҳол олдимиздаги муаммолар кўламини кенгайтириши билан бир қаторда, масалага янада чуқур ёндашиш ва атрофлича ўрганиш имконини яратади.

Кўп асрлик мустаҳкам илдизга эга Андижон маънавий заминида адабий жараён вақт ўтиши билан тўхтаб қолмай, аксинча, ривожланишда давом этди. Бу тараққий ва янгиланишлар, айниқса, XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошларида яшаб қалам тебратган Манзур, Ожиз, Мунтазир, Бимий, Муҳиб, Пиримқори, Қори Зокир, Ҳофиз, Муштоқ ва Мавжий каби шоирлар ижодида яққол намоён бўлади.

Мазкур давр ижодкорлари асарларининг жорий имлодаги нашрлари, шунингдек, музей жамғармалари, шахсий кутубхоналарда сақланаётган қўлёзма, тошбосма асарлари, тазкира ва баёзлардаги Андижон адабий муҳити манбалари алоҳида илмий тадқиқотларни тақозо этади. Ушбу ижодкорлар илмий биографиясини яратиш, мавжуд маълумотларни қиёсий ўрганиш мақсадида мавжуд манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) қўлёзма манбалар;

б) тошбосма манбалар;

в) жорий нашр манбалари.

Мазкур адабий, тарихий манбаларни ўрганиш орқали юқорида санаб ўтилган шоирларнинг таржимаи ҳоли, адабий мероси ҳақида, шунингдек, Андижон адабий муҳитига оид маълумот ва зарур илмий хулосалар олишга эришилади.

XIX аср Андижон адабий муҳити намояндаларидан бири Муҳаммад Аминхўжа Манзурдир. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи дастлабки манба Абдулкарим Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси ҳисобланади. Фазлий ўз асарида пойтахт Қўқонда – Умархон саройида «нашъу намо топган» шоирлар қаторида Манзурни таъкидлаб ўтади ва унинг бир ғазалини келтиради. Ғазалдан аввал шоирнинг шахсий фазилатлари, илмий ва ижодий салоҳияти хусусида форс тилидаги кичик маснавийда кўплаб ижобий фикрлар баён қилади [27. Б. 249–250; 28. Б. 114–115].

Манзур ҳаёти ҳақида қимматли манбалардан яна бири андижонлик зуллисонайн шоир Ожиз қаламига мансуб «Девони Ожиз»дир. 1911 йилда Қўқонда чоп этилган мазкур асарда Ожизнинг шоир вафотига ёзган форс тилидаги 11 байтдан иборат таърих-марсияси берилган бўлиб, у қуйидагича тугалланади:

Фикри Ожиз баҳри таърихаш таомил карда буд,
Омад аз хотиф нидо гў «рафт кўёни Ғафур»
[25. Б. 99].

Бунда шоир вафотига моддаи таърих «рафт кўёни Ғафур» бўлиб, абжад ҳисобида ҳижрий 1297 (милодий 1880) йилни кўрсатади.

Афсуски, шоирнинг бошқа ижод намуналари бизгача деярли етиб келмаган ёхуд топилганича йўқ. XIX аср охири – XX аср бошларига оид қўлёзма ва тошбосма баёзларда эса унинг Фазлий тазкирасида келтирилган «Ўртаган мени ҳар дам орази дарахшонлар» ҳамда «Эй фалак, жонимга қилдинг кўб жафо» деб бошланувчи ғазалларигина учрайди.

Қўқонлик тазкиранавис Пўлоджон домулла Қайюмий ўзининг «Тазкираи Қайюмий»сида шоир ҳақида алоҳида тўхталиб ўтса-да, Фазлий берган маълумотларни айнан такрорлайди [20. Б. 282–283]. Шунингдек, ўтган асрнинг 80-йилларида андижонлик адабиётшунос олим Амонулло Валихонов Манзур ҳаёти ва ижоди бўйича изланишлар олиб борди. Бу маълумотлар асосан шоир ҳаётининг сўнгги даврлари билан боғлиқ воқеалар тафсилоти бўлиб, айни чоқда Манзур биографиясининг кўплаб номаълум нуқталарини ёритишга хизмат қилиши жиҳатидан ғоят аҳамиятлидир [9. Б. 3].

Андижон адабий муҳитининг яна бир йирик вакили Ожиздир. Асл исми Эшон Аббос халфа бўлган шоир ҳаётига оид маълумотлар бизгача жуда кам етиб келган бўлиб, унинг адабий мероси жамланган «Девони Ожиз»да ҳам биографик маълумотлар деярли учрамайди. Қўқон адабиёт музейи жамғармасида 460 ашё рақами остида сақланувчи қўлёзма манбада шоир Худоёрхоннинг тўнғич ўғли Андижон

ҳокими Насриддинбек саройида катта ҳурматга эга бўлганлиги ҳамда машҳур «Афғонбоғ»да ўтказиладиган шеърият анжуманларида доимий иштирок этиши, шунингдек, Мунтазир, Жозибхўжа Риндий, Муҳйи, Отабек қози каби олим ва шоирлар даврасида бўлган айрим воқеалар тафсилоти келтирилади.

Ожизнинг форс ва ўзбек тилларидаги асарларидан иборат девони ўғли Низомиддинхон махдум ташаббуси билан Баҳром ибн Бозорбек сўфи Надимий қалами билан кўчирилган ва 1912 йилда Қўқонда С.Д.Шумаков типолитографиясида чоп этилган. Унда Ожизнинг 4250 мисра шеъри мавжуд бўлиб, бундан 700 мисраси ўзбекча шеърлардир.

Шоир лирик мероси ишқий ҳамда тасаввуфий мазмундаги 129 форсий ва 40 туркий ғазал, 2 қасида, 1 мухаммас, 4 рубоий, 2 фард ва 29 та таърих- қитъалардан иборатдир. Айтиш лозимки, Ожиз ижодида таърих санъати алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг Ҳазрат Хожа Абдушаҳид Бадахший (қуддисаллоҳу сирруҳу) (вафоти 1273 ҳижрий йил), домла Абдулғафур охунд (ваф. 1274 ҳ.й.), Бурҳониддин Хожа Эшон (ваф. 1280 ҳ.й.), домла Анормуҳаммад охунд қози (ваф. 1281 ҳ.й.), Мулла Дадабой маҳрамбоши Андижоний (ваф. 1281 ҳ.й.), Тўра Калон (ваф. 1282 ҳ.й.), Шайхул-машойих эшон Соҳибзода (ваф. 1285 ҳ.й.), Муҳаммадамин охунд қозикалон Кошғарий (ваф. 1295 ҳ.й.), Муҳаммад Аминхўжа эшон Манзур (ваф. 1297 ҳ.й.), Маъсумхон тўра (ваф. 1304 ҳ.й.), домла Абдулмўмин Шаҳрихоний (ваф. 1305 ҳ.й.) каби улуғлар вафотига ҳамда Бирпўстин ота масжиди биноси (1299 ҳ.й.), Жоме мадрасаси, хонақоҳи ва минори қурилишига (1303 ҳ.й.) бағишланган таърихлари мавжуд.

Девон сўнгида Муҳйи Хўқандийнинг 13 байтдан иборат Ожиз вафотига битган форс тилидаги таърих-марсияси берилган. Мазкур таърихда шоирнинг вафоти санаси келтирилади:

3-он рўи соли фавташ Муҳйи зи ҳарки жустам,
Оҳи кашида мигўфт таърихи фавти «мағфур».

Унга кўра, «мағфур» моддасидан шоирнинг ҳижрий 1310 (милодий 1892) йилда вафот этгани англашилади.

Андижонда яшаб ижод этган шоирлардан Юсуфқори Мунтазирнинг адабий муҳитдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Қўқон хони Худоёрхон иккинчи бор тахтни эгаллагач, хонликнинг йирик шаҳарларидан бўлган Андижон ҳокимлигини тўнғич ўғли Насриддинбекка беради (1865 йил) ва унга йўл-йўриқ кўрсатувчи оталиқ мансабига Мунтазирни тайинлайди. Шу муносабат билан шоир ярим аср мобайнида то умрининг сўнгига қадар Андижонда яшаб қолиб, ижод билан машғул бўлади.

Мунтазир зуллисонайн шоир сифатида ўзбек ва форс тилларида қалам тебратган. Унинг адабий мероси жамланган биргина қўлёзма баёзи бизгача етиб келган. Қора картон муқовали рус қоғозига қора ва сафсар сиёҳда настаълиқ ҳамда муллойи хатларида ёзилган мазкур баёзда шоирнинг 400 мисрага яқин шеъри ўрин олган. Унда Мунтазирнинг 11 ғазал, 4 мухаммас ва бир қанча рубоийлари, шунингдек, Саъдий, Фузулий, Бедил, Муҳйи, Муқимий, Сирожий шеърлари билан бирга шоир ўз қалами билан кўчирган турли хаттотлик намуналари ҳам мавжуд. Ҳозирда ушбу қўлёзма манба шоирнинг чевараси Раҳматулло Мўминов қўлида сақланмоқда.

Мазкур қўлёзмада мавжуд Мунтазир шеърлари ўз даврида ва кейинчалик тузилган баёз ҳамда тазкиралардан ўрин олган. Жумладан, унинг «От ҳажви»дан парча «Тазкираи Қайюмий»да келтирилган бўлиб, тазкира муаллифи уни Муҳйининг хотира дафтарчасидан ёзиб олганини айтади ва муаллиф ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. Афсуски, мазкур «маълумот»дан тазкиранавис Мунтазир ҳаёти ва ижодидан яхши хабардор эмаслиги, бу борада жиддийроқ изланиш олиб бормаганлиги маълум бўлади; бунинг натижасида эса, ижодкор шахси ва бадиий маҳорати хусусида нохолис, юзаки муносабат билдиради ва ўқувчида ҳам ғариб тасаввур ҳосил қилади [20. Б. 328]. Ҳолбуки, мавжуд манбалар бу қарашларнинг буткул аксини кўрсатади.

Шоир ҳаёти ва ижоди бўйича илк бор Ф.Аҳмаджонова ва Ҳ.Қурбоновалар илмий изланишлар олиб борган бўлиб, бунинг натижасида аниқланган маълумотлар бевосита Мунтазирнинг ҳаёт бўлган фарзандлари ва замондошларидан олингани сабабли ҳам

ғоят қимматлидир [4. Б. 69–71].

Адабиётшунос олимлар Н.Қобулов ва У.Долимовларнинг олий ўқув юртлари учун тайёрланган «Эрк ва маърифат куйчилари» номли қўлланмасида шоир ҳаёти ва ижоди кенг ўрин олган. Мунтазир биографияси ва ижоди хусусида атрофлича маълумот берилгач, Н.Қобулов адабиёт мухлиси Саидхон Шаҳобиддиновдан ёзиб олган ҳамда Шарафиддин махдум Салоҳий шахсий кутубхонасидан топилган шоирнинг ғазал ва мухаммаслари келтирилган [24. Б. 6–9]. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулланинг «Мавлоно Муқимий» романи [1. Б. 440], А.Валихонов мақоласи [8. Б. 4] ҳамда С.Жалиловнинг «Андижон» китобчасидаги [11. Б. 71–72] маълумотларни Мунтазир ҳаёти ва ижодини ўрганишда қимматли манбалар сифатида кўрсатиш мумкин.

Мунтазир шеърларининг жорий нашр манбаларидан бири 1982 йилда чоп этилган «Асрлар нидоси» мажмуасидир. Мазкур манбада унинг Ф.Аҳмаджонова томонидан нашрга тайёрланган 4 ғазал ва 1 мухаммаси берилган [3. Б. 476–482]. 2020 йилда нашр этилган «Кўҳна садолар» тўпламида эса шоир адабий меросининг кўплаб янги намуналари илк бор тўла ҳолда мазкур мақола муаллифи томонидан нашрга тайёрланиб, эълон қилинган [15. Б. 53–75].

Абдураззоқ Хомидхўжа ўғли Бимий ҳам ушбу даврнинг йирик намояндаларидан ҳисобланади. Асосан ўзбек тилида ижод қилган шоир ҳаёти сўнгида ўз асарларини тўплаб девон тартиб берганлиги маълум. Ўзбекистон халқ шоири С.Абдулла берган маълумотга кўра, Бимийнинг кичик ўғли 1935 йилда отасининг барча қўлёзмаларини олиб, Тожикистонга кўчиб кетган. Қолган қўлёзмалари эса шоирнинг асакалик Маллахўжа исмли шогирдида сақлаб келинган. Кейинги йилларда Маллахўжа Қўқон шаҳрининг Бахмалбоп маҳалласида бир ҳужрада истиқомат қилиб, дурадгорлик билан шуғулланган ва 1962 йилда касал бўлиб Асакада вафот этган. Қўлёзмалар эса Қўқондаги ҳужрада қолиб кетган. Меросхўрлар Қўқонга келиб қўлёзма ва бошқа китобларни ҳужрадан тополмай қайтганлар [1. Б. 198]. Шу боисдан шоирнинг қўлёзма мероси тақдири ҳануз номаълумлигича қолмоқда.

Бимий асарлари бизга асосан шоир ҳаётлигида тузилган қўлёзма ва тошбосма баёзлар орқали етиб келган. Жумладан, Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи жамғармасида 5045 ашё рақами остида сақланувчи қўлёзма баёзда шоирнинг 3 ғазали, 5038 ашё рақамли қўлёзма баёзда эса 1 мухаммас ва 1 маснавийси, шунингдек, мақола муаллифи шахсий кутубхонасида сақланувчи «Баёзи Сайфий»да 1 ғазали мавжуд. Бундан ташқари «Баёзи дар вилоят», «Армуғони Хислат», «Туҳфаи Хислат», «Баёзи Хазиний» каби тошбосма баёзларда ҳам унинг айрим шеърлари ўрин олган.

Бимийнинг ҳозирда бизга маълум адабий мероси 250 мисра атрофида бўлиб, булар 6 ғазал, 1 маснавий, 1 мураббаъ, 3 мухаммас, 1 баҳри таъвилдан иборатдир.

Шоир ҳаёти ва ижодининг жорий нашр манбалари сифатида юқорида айтилган П.Қайюмийнинг «Тазкираи Қайюмий» тазкираси [20. Б. 200–203], Н.Қобулов ва У.Долимовларнинг «Эрк ва маърифат куйчилари» қўлланмаси [24. Б. 10–13], С.Жалиловнинг «Андижон» китобчаси [11. Б. 72], Ф.Аҳмаджонова томонидан тайёрланган шеърлари ўрин олган «Асрлар нидоси» мажмуаси [3. Б. 492–497] ҳамда «Кўҳна садолар» тўпламларини [15. Б. 76–91] кўрсатиш мумкин.

Андижон адабий муҳитининг яна бир вакили Абдулғафур Мирабдусаттор ўғли Муҳиб ҳисобланади. Адабиётшунос Н.Қобулов маълумотига кўра, Муҳибнинг ўз шеърларидан тузилган «Фавзун нажот» номли баёзи бўлган ва у вафотидан сўнг йўқолган. Ҳозирда унинг «Баёзи Хазиний»дан ўрин олган Андижон зилзиласи ҳақидаги 230 мисрали «Баёни воқеоти Андижон ва зилзила ҳаводисотлари» номли мусаддаси [5. Б. 218–235] ҳамда Н.Қобулов ва У.Долимовларнинг «Эрк ва маърифат куйчилари» номли қўлланмасида келтирилган Қори Зокир билан мушоираси, Ўшга Сулаймонқул баззозга ёзган шеърий мактуби ва Саидхон Шаҳобиддиновдан ёзиб олинган бир тўртлиги [24. Б. 18–21] маълум, холос. Шунингдек, Муҳиб ҳаётига оид маълумотлар ва ижодидан намуналар «Кўҳна садолар» тўпламида ҳам берилган [15. Б. 92–105].

XIX аср охири XX аср бошлари Андижон адабий муҳитининг йирик намояндаларидан яна бири Пиримқори Ҳожи Иброҳим ўғлидир. Пиримқори шеърлари ўз даврининг кўплаб баёзларидан ўрин олган. Жумладан, «Армуғони Хислат»да унинг 3 ғазал ва 4 мухаммаси, «Савғоти Хислат»да 12 ғазал, 1 мустазод ва 4 мухаммаси, «Туҳфаи Хислат» баёзида эса 3 мухаммас ва 1 мураббаъси мавжуд.

Пиримқори турли сабабларга кўра XX аср бошларида Шарқий Туркистонга кетади. Бу хусусда П.Қайюмий ўзининг «Тазкираи Қайюмий»сида: «Таворихи хамсаи шарқий» китобининг муаллифи Чагачуклик имом Мулло Қурбонали ҳожи Холид ўғли ўз асарининг 638-бетида Чагачук масжидига имом бўлмиш кишилар қаторини кўрсатганда, орада шоирнинг номини айтади: «Баъдуҳу 1323 ҳижрий ражаб ойинда Андижондин Мулло Пиримқори валади ҳожи Иброҳим келиб имом бўлдилар». Демак, шул тарихда шоир Хитой туфроғи Чагачукда имом бўлиб турган кўринадур. Милодий ила 1904 йилда бўладур» деб маълумот беради [20. Б. 533]. Шунингдек, Ф.Жалолов ва Қ.Акбаровлар «Шинжонгдаги ўзбеклар тарихидан» номли китобида шоирнинг «1938 йилда ҳажга бориб қайтаётганда, сафарда вафот этган»лиги [12. Б. 58] тўғрисида маълумот берадилар.

Пиримқори ижодининг жорий нашр манбалари сифатида Н.Қобулов ва У.Долимовларнинг «Эрк ва маърифат куйчилари» [24. Б. 26–29] ҳамда «Кўҳна садолар» [15. Б. 106–149] китобларини кўрсатиш мумкин. Хусусан, «Кўҳна садолар» тўпламида шоирнинг 700 мисрага яқин шеърлари берилган.

Ушбу давр намояндаларидан Қори Зокир Муҳаммадназар ўғли ўзининг сермаҳсул ижоди билан ажралиб туради. Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирлар билан яқин муносабатда бўлган шоирдан бизга мукаммал девон етиб келган. Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи манбалар хазинасида 747 ашё рақами остида сақланувчи 305 саҳифадан иборат ушбу қўлёзма манба картон муқовали рус қоғозига муаллиф дастхати билан настаълиқ хатида кўчирилган. Шоир девони мумтоз шеъриятнинг 13 жанрига мансуб 183 ғазал, 1 таржеъбанд, 1 мустазод, 3 мураббаъ, 17 мухаммас, 3 мусаддас, 2 муашшар, 17 рубоий, 11 туюқ, 3 фард, 7 маснавий, 1 достон, 4 мушоарадан таркиб топган бўлиб, 5000 дан ортиқ мисрани ташкил этади. Қори Зокир адабий меросини эски ўзбек ёзувидан жорий имлога ўгириб, чоп этиш ва таҳлил қилиш адабиётшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардандир.

Шоир ҳаёти ва ижоди хусусида ўтган аср 60-йиллари охиридан бошлаб бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, филология фанлари номзоди Набижон Қобуловнинг «Қори Зокир» номли мақоласи бу изланишларнинг дебочаси ҳисобланади [21. Б. 2]. Шунингдек, мазкур муаллифнинг «Андижонлик тараққийпарвар шоирлар» монографияси [23. Б. 46–72] ҳамда У.Долимов билан ҳаммуаллифликда чоп эттирган «Эрк ва маърифат куйчилари» ўқув қўлланмасини [24. Б. 50–53] шоир ижодининг ўзига хос қирраларини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишни бошлаб берган дастлабки манбалар сифатида эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари С.Абдулланинг «Мавлоно Муқимий» романи [1. Б. 202], адабиётшунос В.Дадабоевнинг номзодлик иши [10. Б. 15–22] ҳамда М.Исҳоқовнинг «Андижон адабий гурунги» китобларида [14. Б. 13–16] ҳам шоир биографияси ва ижоди хусусида қимматли маълумотлар мавжуд.

Ушбу даврнинг улуғ шахсиятлардан бири Абдулмажид Ҳофиздир. Абдулмажид Абдуллоҳ қори ўғли зуллисонайн шоир, буюк аллома, фақиҳ, шарқ фалсафаси билимдони, хаттот, қозий, мутасаввиф, валий зот бўлиб, «Қози домла», «Фаришта қози», «Ҳастдомла» («Ҳазрат домла»нинг қисқартирилган шакли – *И.М.*) лақаблари билан машҳур.

Араб, форс ва туркий адабиёт билимдони бўлган Ҳофиз ёшлик чоқларидан бошлаб ёзган шеърларини жамлаб девон тузганлиги маълум. Аммо ҳаётидаги бесаранжомликлар натижасида бу девон йўқолган. Шоирнинг мавжуд адабий мероси авлодлари, шогирдлари ва мухлислари қўлидаги турли қўлёзма баёзлар ва алоҳида саҳифаларга кўчирилган ҳолда сақланиб қолган. Жумладан, унинг авлодлари қўлидаги қўлёзма манбалар қуйидагилар:

1) шоир ҳаётининг сўнгги йилларида набиралари томонидан ёзиб олинган ўттиздан ортиқ ғазал, мухаммас, маснавий ва тўртликлар;

2) айрим оятлар ва баъзи ҳадисларга шарҳлар;

3) ақида ва фиқҳга оид масалалар баёни ва фатволар;

4) одоб-ахлоққа доир ўгитлар, ҳикматли сўзлар;

5) Пайғамбаримиз (с.а.в.) шаънига ёзилган қасидалар;

6) Муҳаммад Али Қорий ва Қутбиддин Муҳаммад ибн Салоҳларнинг «Қирқ ҳадис» қўлёзмаларидан ва Алишер Навоий «Арбаъин»идан кўчирмалар;

7) шарқнинг машҳур шоирлари ғазалларидан тузилган «Гулдаста»;

8) турли ҳуснихат ва хаттотлик намуналари [13. Б. 123].

Шунингдек, Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланувчи, Ҳофизнинг набираси Билолиддинхон қори тақдим этган 30 саҳифадан иборат дафтар нусха (ксерокопия)сини шоир меросининг салмоқли қисми ўрин олган қимматли манба сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур дафтар нусхасида унинг 12 ғазал, 2 мураббаъ, 2 мухаммас, 35 таърих-қитъаси бўлиб, улардан 25 таси форсча шеърлардир. Ҳофизнинг шогирди Имодуддин Қосимов – шоир Улфат тартиб берган қўлёзма баёзда эса унинг 1 ғазал ва 8 таърих қитъаси мавжуд. Шоирнинг мухлисларидан Абдулмалик махдум Аҳмадалиев томонидан тузилган қўлёзма баёзда 7 ғазал, 1 мурабба, 2 мухаммас ва 1 мусаддаси, шунингдек, Саидхон Шаҳобиддиновда сақланган қўлёзма «Качкул»да эса унинг Домла Маҳмудхон махдум вафотига таърих-марсияси ва бир мухаммаси мавжуд.

Абдулмажид Ҳофизнинг ҳозирда бизда мавжуд адабий мероси 1300 мисра атрофида бўлиб, унинг жорий нашр манбалари сифатида «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг 2003 йил 2–3-қўшма сони [13. Б. 130–131], М.Исҳоқовнинг «Андижон адабий гурунги» китоби [14. Б. 60–63] ҳамда «Кўҳна садолар» тўпламини [15. Б. 150–207] келтириш мумкин.

Шоир ҳаёти ва ижоди бўйича филология фанлари номзоди А.Абдулҳамидовнинг «Андижонлик Ҳофиз» мақоласи [2. Б. 1] ва «Фаришта қози» бадиаси, профессор С.Жалиловнинг «Абдулмажид қози домла Ҳофиз» мақоласи [13. Б. 119–123] ҳамда А.Қамбаровнинг «Наводир ул-вақое» асари [18. Б. 199–200] кўплаб қимматли маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

XX аср бошлари Андижон адабий муҳити вакилларидан Шодмон ҳожи Тўрахўжа ўғли Муштоқ ўз ижод намуналари ҳамда замондошларининг шеърларидан иборат 3 та баёз тартиб берган бўлиб, шоирнинг кенжа ўғли Сайфиддин Шодмоновнинг эслашича, ушбу баёзларнинг бири отаси вафотидан сўнг йўқолган. Қолган иккитаси эса (бири 117, иккинчиси 183 бет) ўтган асрнинг 50-йилларида олим ва шоир Ҳошимжон Раззоқовга берилган. Ҳозирда ушбу баёзлардан биринчиси Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи жамғармасида 9517 ашё рақами остида сақланмоқда.

Муштоқнинг ўз дастхати билан кўчирилган мазкур баёзда унинг 7 ғазал, 3 маснавий, 1 мусаддас ва 2 рубоийси билан биргаликда Қори Зокир девонидан кўчирилган 32 ғазал ҳамда Муҳйи, Роғибий, Абдий, Муҳаммад Тавфиқ каби шоирларнинг шеърлари мавжуд.

Муштоқ ҳаёти ҳақида маълумотлар ва ижодидан намуналар берилган жорий нашр манбалари сифатида Н.Қобуловнинг «Муштоқ» [22. Б. 4] ва К.Ҳомидовнинг «Жаҳонгашта зиёли» мақолалари [29. Б. 3–4], М.Исҳоқовнинг «Андижон адабий гурунги» [14. Б. 19–20] китоби ҳамда «Кўҳна садолар» тўпламларини кўрсатиш мумкин [15. Б. 208–225].

Айни давр намояндаларидан Муҳаммад Сиддиқ Эшон Иброҳим халфа ўғли Мавжий ўзбек ҳамда форс тилларида қалам тебратган ва ўз ижод намуналаридан 2 та девон тартиб берган. Афсуски, ҳар икки девон машъум қатағон йилларида изсиз йўқолган ёхуд бизгача етиб келмаган. Шоирнинг авлодларида сақланган, кейинчалик жорий имлода алоҳида саҳифаларга кўчирилган шеърлари ва айрим қўлёзмалари эса Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда музейнинг Зокиржон Ҳабибий ёдгорлик бўлими жамғармаларида сақланмоқда.

Мавжийнинг ҳозирда мавжуд лирик мероси 600 мисрадан ортиқ бўлиб, булар 16 ғазал (шундан 3 таси форсий), 1 маснавий, 3 мураббаъ, 9 мухаммас, 1 мусаддасдан иборатдир.

Шоир ҳаёти ва ижоди хусусида М.Собировнинг «Муҳаммадсиддиқ Мавжий» мақоласи [26. Б. 2], М.Исҳоқовнинг «Андижон адабий гурунги» [14. Б. 21–23] китоби ҳамда «Кўҳна садолар» тўпламида [15. Б. 226–262] қимматли маълумотлар келтириб ўтилган.

Андижон адабий муҳити намояндалари адабий меросига доир қўлёзма, тошбосма ва жорий нашр манбаларини ўрганиш мазкур ижодкорлар биографиясини тиклаш, адабий мероси салмоғини аниқлаш, ижодий ютуқ ва камчиликларини очиқлаш, аввало давр адабий муҳитида, шунингдек, ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиш нуқтаи назаридан ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. *Абдулла С*. Асарлар. Мавлоно Муқимий. IV томлик. 3-том. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 440 б.

2. *Абдулҳамидов А*. Андижонлик Ҳофиз // Олтин водий, 1994 йил 1 декабрь.

3. Асрлар нидоси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 544 б.

4. *Аҳмаджонова Ф., Қурбонова Ҳ*. Мунтазир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. – № 3. – Б. 69–71.

5. Баёзи Ҳазиний. – Тошкент: Ғ.Ҳ.Орифжонов матбааси, 1332/1913. – 245 б.

6. *Бобур Заҳириддин Муҳаммад.* Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 368 б.

7. *Болтабоев Ҳ.* Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат, 2004. – 192 б.

8. *Валихонов А*. Унутилган сиймолар // Коммунист, 1984 йил 21 январь.

9. *Валихонов А*. Манзур // Коммунист, 1984 йил 5 июнь.

10. *Дадабоев В.* Традиции узбекской классической поэзии и творчество Хабиби. Дисс… канд. фил. наук. – Ташкент, 1984. – 149 с.

11. *Жалилов С.* Андижон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – 79 б.

12. *Жалолов Ф., Акбар Қ*. Шинжонгдаги ўзбеклар тарихидан. – Андижон: «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ, 2011. – 108 б.

13. Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2003, 2-3-қўшма сон. – 160 б.

14. *Исҳоқов М.* Андижон адабий гурунги. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2013. – 256 б .

15. Кўҳна садолар /тўплаб нашрга тайёрловчи: И.Мадғозиев. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 272 б.

16. *Навоий А.* Асарлар. Мажолис ун-нафоис. 15 томлик. 12-том. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 214 б.

17. *Нисорий Ҳасанхожа.* Музаккири аҳбоб /форс тилидан И.Бекжон таржимаси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 343 б.

18. *Қамбаров А.* Наводир ул-вақое (Нашрга тайёрловчи: И.Мадғозиев). – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 272 б.

19. *Қаюмов А.* Бобур давридаги Андижон адабий муҳити. Хожа Юсуф Андижоний. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2009. – 46 б.

20. *Қайюмий П.* Тазкираи Қайюмий. Уч жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: ЎзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт, 1998. – 714 б.

21. *Қобулов Н.* Қори Зокир // Коммунист, 1970 йил 28 июль.

22. *Қобулов Н.* Шоир Муштоқ // Коммунист, 1972 йил 22 апрель.

23. *Қобулов Н.* Андижонлик тараққийпарвар шоирлар. – Тошкент: Фан, 1977. – 104 б.

24. *Қобулов Н., Долимов У.* Эрк ва маърифат куйчилари. – Тошкент: ТошДУ нашриёти, 1979. – 84 б.

25. *Ожиз.* Девони Ожиз. Қўқон: С.Д.Шумаков типо-литографияси, 1911. – 161 б.

26. *Собиров М.* Муҳаммадсиддиқ Мавжий // Андижоннома, 1992 йил 5 декабрь.

27. *Фазлий Намангоний.* Мажмуат уш-шуаро. – Тошкент: В.М.Ильин типо-литографияси, 1902. – 504 б.
28. *Фазлий Намангоний Абдулкарим.* Мажмуаи шоирон. – Тошкент: Фан, 2018. – 336 б.
29. *Ҳомидов К.* Жаҳонгашта зиёли // Пахтаобод, 1990 йил 15 сентябрь.

SOURCES OF THE ANDIJAN LITERARY ENVIRONMENT OF THE LAST QUARTER OF THE XIX CENTURY AND THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

I.A. Madgaziev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 70-78.

[1]State Museum of History and Culture of Andijan Pegion, Andijan, 170100, str. A.Fitrat, 259 (Uzbekistan). E-mail: andmuzey@mail.uz

Keywords: literary environment, literary process, biography, manuscript, bayoz, tazkira, handwriting, source, literary heritage.

Living in different cities or provinces of each period, the writers create a certain literary environment based on the unique traditions formed in the region through mutual creative cooperation and active literary contacts. Such environments are an integral part of national literature and a source of strength. Therefore, in order to understand the factors of development of our national literature, the existing traditions and methods in it, the essence of creative achievements and innovations, it is necessary to study their sources in depth.

There is some information in historical sources about the literary environment of Andijan and its representatives, the formation of which dates back several centuries. Unfortunately, the fact that the works of the artists mentioned in these sources have almost never reached us, and only a very brief information about them and only a few examples of their works, in a sense limits the conduct of scientific research in this area. In contrast, the rich sources that reflect the literary environment of later periods and the substantial heritage of its creators have been preserved. This not only expands the range of challenges we face, but also provides an opportunity for a deeper approach and in-depth study of the issue.

Literary processes in Andijan do not stop over time, but continue to develop. These ups and downs are especially evident in the works of poets such as Manzur, Ojiz, Muntazir, Bimiy, Muhib, Pirimqori, Qori Zokir, Hofiz, Mushtoq and Mavjiy, who lived in the last quarter of the 19th century and the beginning of the 20th century.

Current spelling editions of the works of these figures, as well as museum funds, manuscripts, lithographs kept in private libraries, sources of the Andijan literary environment in tazkira and bayoz require special scientific research. The study of these sources is important in obtaining information about the biography and literary heritage of the above-mentioned poets, as well as the literary environment of Andijan and the necessary scientific conclusions.

In this paper, the sources are initially grouped and systematically described one by one. Detailed information on the life and work of these poets in manuscripts, lithographs and sources of current publications is given, as well as a detailed discussion of their peculiarities, differences, scientific significance and value. Also, for the first time in the history of our literature, information is given about some unknown artists and their works. As a result of the comparative study of current publication sources with primary manuscript sources, many new data on their scientific and creative biographies have been identified and put into scientific use.

References:

1. Abdulla, S. (1978) *Asarlar*. *Mavlono Muqimiy* [Mevlana Muqimiy]. In 4 volumes. 3-volumes. Tashkent: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti.

2. Abdulkhamidov, A. (1994) *Andijonlik Hofiz* [Hafiz from Andijan]. Oltin vodiy. December 1.

3. *Asrlar nidosi* (1982) [The cry of centuries]. Tashkent: G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti.

4. Akhmadjonova, F., Kurbanova, H. (1971) *Muntazir* [Muntazir]. *O‘zbek tili va adabiyoti*. No 3. Pp. 69-71.

5. Bayozi Haziniy (1913) [Bayozi Hazini]. Tashkent: G‘.H.Orifjonov matbaasi.

6. Babur, Z.M. (1990) *Boburnoma* [Baburname]. Tashkent: Yulduzcha.

7. Boltaboyev, H. (2004) *Mumtoz so‘z qadri* [The value of the classic word]. Tashkent: Adolat.

8. Valikhanov, A. (1984) *Unutilmas siymolar* [Forgotten images]. Kommunist. January 21.

9. Valikhonov, A. (1984) *Manzur* [Manzur]. Communist. June 5.

10. Dadaboyev, V. (1984) *Traditsii uzbekskoy klassicheskoy poezii i tvorchestvo Xabibi* [Traditions of Uzbek classical poetry and creativity of Khabibi]. The Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

11. Jalilov, S. (1989) *Andijon* [Andijan]. Tashkent: O‘zbekiston.

12. Jalolov, F., Akbar, Q. (2011) *Shinjongdagi o‘zbeklar tarixidan* [From the history of Uzbeks in Xinjiang]. Andijan: «Andijon nashriyot-matbaa»MCHJ.

13. *Imom al-Buxoriy saboqlari* (2003) [Lessons of Imam al-Bukhari], 2-3 joint issues.

14. Is’hakov, M. (2013) *Andijon adabiy gurungi* [Andijan literary group].Tashkent: Mumtoz so‘z.

15. Madg‘oziyev, I.(ed.) (2020) *Ko‘hna sadolar* [Old echoes]. Tashkent: Akademnashr.

16. Navoiy, A. (1966) *Asarlar.* In 5 volumes. Vol.1. *Majolis un-nafois* [Meetings of the elegant]. – Tashkent: G‘.G‘ulom nomidagi Badiiy adabiyot nashriyoti.

17. Nisoriy Hasankhoja. (1993) *Muzakkiri ahbob* [Mention of friends] / Translated from Persian by I. Bekjon. Tashkent: A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti.

18. Kambarov, A. (2018) *Navodir ul-vaqoye* [Rare events]. /Prepared by: I.Madg‘oziyev. Tashkent: Akademnashr.

19. Kayumov, A. (2009) *Bobur davridagi Andijon adabiy muhiti. Xoja Yusuf Andijoniy* [Andijan literary environment in the time of Babur. Khoja Yusuf Andijani]. Tashkent: Mumtoz so‘z.

20. Kayyumiy, P. (1998) *Tazkirai Qayyumiy* [Tazkira’s of Kayyumiy]. Three volumes. Tashkent: O‘zRFA Qo‘lyozmalar instituti tahririy nashriyot.

21. Kabulov, N. (1970) *Qori Zokir* [Kori Zakir]. Kommunist. July 28.

22. Kabulov, N. (1972) *Shoir Mushtoq* [Poet Mushtok]. Kommunist. April 22.

23. Kabulov, N. (1977) *Andijonlik taraqqiyparvar shoirlar* [Progressive poets from Andijan]. Tashkent: Fan.

24. Kabulov, N., Dolimov, U. (1979) *Erk va ma’rifat kuychilari* [Singers of freedom and enlightenment]. Tashkent: ToshDU nashriyoti.

25. Ojiz. (1911) *Devoni Ojiz* [Divan’s of Ojiz]. Kokand: S.D. Shumakov tipo-litografiyasi.

26. Sobirov, M. (1992) Muhammadsiddiq Mavjiy [Mukhammadsiddik Mavji]. Andijonnoma. December 5.

27. Fazliy, Namangoniy. (1902) *Majmuat ush-shuaro* [Anthology of Poets]. – Tashkent: V.M.Il’in tipo-litografiyasi.

28. Fazliy, Namangoniy Abdulkarim. (2018) *Majmuai shoiron* [Anthology of Poets]. Tashkent: Fan.

29. Khomidov, K. (1990) *Jahongashta ziyoli* [World-famous intellectual]. Pahtaabad. September 15.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Мадгазиев Искандаршоҳ Абдувосит ўғли – Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими. E-mail: madgaziev93@mail.ru